
“Аёллар дафтари”нинг 6-босқичи рўйхатига киритиш учун хатлов жараёнлари бошланди

“Аёллар дафтари”нинг 6-босқичи рўйхатига киритиш учун хатлов жараёнлари бошланди. Бугунги кунда Данғара туманидаги барча маҳаллаларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Хотин-қизлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 145-сонли қарорида белгиланган вазифалар асосида маҳаллалардаги ишчи гуруҳлар томонидан хонадонма-хонадон юриш орқали хотин-қизларнинг муаммоларини ўрганиш ишлари амалга оширилмоқда.

Шунингдек, Данғара туманида “Аёллар дафтари” билан ишлаш тизимининг 6-босқичини ташкил этиш ва амалга ошириш бўйича маҳалла еттилиги вакиллари иштирокида ўтказилаётган семинарларда хотин-қизларнинг рўйхатини шакллантириш бўйича амалга ошириладиган ишлар ҳақида тўлиқ маълумот бериб ўтилмоқда.

2025-01-09 18:00:48